



Маҳалла

ШАНБА

2014 йил 31 май,
№45 (1012)

ИФТИХОР


Олдинда фақат янги марра, янги зафарлар

Шу кунларда мамлакатимиз ёшларининг нигоҳи Наманган вилоятида ўтаётган «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйин-ларига қаратилган.

■ **Рустам УМАРОВ,**
белбоғли кураш бўйича уч
карра жаҳон чемпиони.

Ўллар шаҳри — Наманганда республикаимизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган спортчи ёшлар ўз маҳоратларини намойиш этмоқда. «Навбахор» стадионида бўлиб ўтган тантанали очилиш маросимида «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинлари оловини бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпиони, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси Шохиста Рашидова билан биргаликда ёқиб беришдек шарафга муяссар бўлганимиздан чексиз faxрдамиз.

Тўққиз ёшимдан белбоғли кураш билан шуғулланиб келаман. Тўрақўрғон туманидаги Тўйчи полвон Сиддиков номли миллий кураш мактабида таҳсил олдим. 27 ёшимда етти карра Ўзбекистон, 2 карра Осиё ва уч карра жаҳон чемпиони, деган эътирофга сазовор бўлишимда айнан шу мактабнинг, қолаверса, мамлакатимизда кичик олимпиада маконини олган уч босқичли тизим — «Умид Nicholson», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақаларининг муносиби ўрни бор. Бу каби бахсларда, чин маънода, тобландим.



1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ
ХИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

Юксак маънавиятли баркамол авлод маҳаллада камол топади

Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънан етук, ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишига қодир ёш авлодни вояга етказиш вазифаси бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб.

■ **Зафар РЎЗИЕВ,**
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти бош
илимий ходими, юридик
фанлар номзоиди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида соғлом болани, айниқса, қиз болаларни тарбиялашда, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши учун уларга ёрдам бериш, турли тўғраракларга жалб этиш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича фу-

қаролар йиғинлари кўмагидан самарали фойдаланиш белгиланган. Янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда баркамол авлодни тарбиялашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг восалотлари мустақамланган. Хусусан, қонуннинг 13-моддасида фуқаролар йиғини кенгаши хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга, уларнинг жамият ҳаётида, оилада маънавий-ахлоқий мухитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирлар қўйд этилган.



КЎРИК-ТАНЛОВ



■ Насир ХАЙДАРОВ олган сурат.

Энг намунали маслаҳатчилар аниқланмоқда

Аввал хабар қилинганидек, айти кунларда «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари қизгин паллага кирди

Ўн йилдан бери ўтказиб келинаётган ушбу кўрик-танлов илғор иш тажрибасига эга юзлаб маслаҳатчиларнинг тажрибаларини омаллаштиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, юртимизнинг барча ҳудудларида ибратли, маърифатли оилалар сони йил сайин ортиб бормоқда.

Шунга мос равишда хонадонларда жисмонан соғлом, маънан баркамол авлод вояга етляпти. Энг муҳими, маслаҳатчилар кўмагида жамиятда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланиб, оила чароғбони бўлган аёллар сафи кенгаймоқда.

Бу галги кўрик-танловнинг аввалгиларидан фарқи шундаки, жорий йилда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбе-

кистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармони қабул қилинганига 10 йил тўлди. Шу муносабат билан ҳар бир тумандан, шаҳордан бир нафардан 2004 йилдан буён самарали фаолият юритиб келаятган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг фахрий ёрлиқ

ҳамда эсдалик совғалари ажратилляпти.

Қолаверса, танловнинг иккинчи шартли сифатида сўнгги уч йилда ҳудудда амалга оширилган ишлар кўрсаткичини слайдлар орқали намойиш этиш белгилангани маҳаллаларда маслаҳатчилар томонидан амалга оширилаётган хайрли ишларнинг салмони нақадар юқори эканини кўрсатади.

Нукус шаҳри Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат мусикали театрида мазкур кўрик-танловнинг **Қорақалпоғистон Республикаси** босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида муносиб иштирок этган 387 нафар маслаҳатчидан 16 нафари республика босқичида ўзаро беллашди.

> [2]

КАТТА ҲАЁТ ОСТОНАСИДА

Бахтли элнинг бахтиёр фазандимиз

Вақт — оқар дарё, дейишгани рост экан. Мана, ўқувчилик йилларимиз ҳам ортда қолмоқда. Ҳадемай, коллежни тугаллаб, мутахассислик дипломига эга бўламиз.



■ **Маржона МАМАРАЖАБОВА,**
Навоий маданият ва санъат
коллежи битирувчиси.

Ўзимнинг «илк дизайн»ни яратиб, жажжи кўйирчоғимга митти кўйлақча тикканимда 5 ёшда эдим. Ушандаёқ онам ва бувим менинг келажакда чевар тикувчи бўлишини бошорат қилишганди. Ҳақиқатан ҳам, улғайган сари бичиш-тиқишга, айниқса, турли фасонлар яратишга қизиқишим ортиб борди. 9-синфини битириб, тахсилни Навоий маданият ва санъат коллежининг дизайнерлик йўналишида

давом эттирдим. Уч йиллик сабоқ даврида устозларимдан жуда кўп нарсга ўргандим. Айниқса, коллежиямизда ташкил этиладиган турли танловларга тайёргарлик жараёни ўз устимда ишлашга, изланиб-интилишга ундади.

Шу кунларда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига ўқишга киришга тайёргарлик кўряпман. Орзуим — билим ва маҳоратини ошириб, Ватанимга нафим тегадиган инсон бўлиш, қолаверса, миллий либосларимизни замонавийлик билан уйғунлаштирган ҳолда дунё микёсига олиб чиқишдир. Зеро, либослар шунчаки кийим-кечак эмас, балки миллат ва халқнинг маънавияти ва маданиятини акс эттирувчи, менталитетини белгилувчи омилдир.

> [3]

ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон — мафтункор диёр

Ўзбекистон мени оҳанрабодек ўзига тортаверади. Юртингизга кўп марта ташриф буюриб, Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларни томоша қилганман. Бу галги сафарим ҳар қачонгидан ҳам самарали ва таассуротларга бой бўлди.

■ **Парвиз МОРВИЖ,**
Нью-Йорк давлат
университети профессори,
«Глобал илмий нашрлар»
маркази директори (АҚШ).

Жорий йилнинг 13-14 май кунлари Урганч шаҳрида «Баркамол авлодни тарбиялашда маҳалла институтининг роли» мавзусида ташкил этилган аниқлаларни дунёнинг бошқа жойларида топиш қийин. Айниқса, Хива шаҳридаги Маъмур академи-

яси музейидаги қўлзмаю тошбосмалар, асрлар қазидан сўзловчи сопол буюмлар, олмосдек тизилган обидалар аждодларнинг зақосининг улуғлигидан далолат бериб турибди.

Хоразмдан сўнг Самарқандда ташкил этилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда ҳам иштирок этдим.

Президент Ислам Каримовнинг халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқидан ғоят таъсирландим. Халқаро конференция менга Ўзбекистонда олиб борилаётган илмий, маданий, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни чу-

қурроқ ўрганиш имконини берганидан жуда мамнунман.

Таъкидлаш жоизки, бундай йирик халқаро конференцияларнинг ўтказилиши Ўзбекистондаги барқорор тинчлик ва осойишталик, имлофан фидойиларига қаратилаётган улкан эътибордан далолатдир.

Юртингиз ҳудуди асрлар давомида Буюк ипак йўли орқали Шарқ ва Ғарбни бир-бири билан боғлайдиган кўприк вазифасини ўтаган, турли тамаддулар туташган муҳим чорраҳа, умуминсоний тароққийёта бекиёс ҳисса қўлган ўлка сифатида танилган. Ўзбекистон халқи — Буюк алломалар авлоди, бетакрор мерос соҳиб. Бугун ана шундай пойдеворга таяниб, Ўзбекистон ўзининг эркин, мустақил ва фаровон келажagini қуриш, жаҳон

ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш йўлида дадил одимламоқда.

Юртингизда таълим тизимига қаратилаётган эътибор ёшларнинг пухта билим олиши, иқтидорини тўла намоён этиши, қобилиятини юзга чиқариши, жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлмоқда. Бу муттасил ривожланиб бораётган Ўзбекистоннинг жадал тараққийётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиётди.

Хуллас, Буюк ўтмишга эга халқининг келажаги ҳам Буюк бўлади. Бундай дейишга юртингизнинг ҳар қадамида еторила асос топиш мумкин. Ўзбекистонда ўтган ҳар бир куним таассуротларга бой бўлди. Самарқанд, Урганч ва Хива шаҳарлари зиёрати ҳаётимда ёрқин саҳифа бўлиб қолди.

Топширилди — 21.⁰⁰



КЎРИК-ТАНЛОВ

Энг намунали
маслаҳатчилар
аниқланмоқда

< [1]

Маслаҳатчиларнинг фаоллиги, билим ва малакаси синовдан ўтказилган танловда Нукус шаҳридаги «Бўзо-вул» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Камила Айтимбетова биринчи ўринга сазовор бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Нукус тумани Бақаншақли овул фуқаролар йиғини вакиласи Зариба Қайипова, Қўнғирот тумани «Қўмбиз» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Жулдыз Артықбоевга насиб этди.

— Ўн йилдан бери маслаҳатчи лавозимида меҳнат қиламан, — дейди кўрик-танлов ғолибаси Камила Айтимбетова. — Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ҳудуддаги тиббиёт муассасалари ходимлари билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида маҳалламизда сўнги уч йилда оналар ва болалар соғлиги яхшиланди. Вояга етмаганлар ўртасида профилактик ҳисобда турувчи ёшлар, шўқриқ, бизда қойд этилгани йўқ. Маҳалламиздаги 2300 нафардан зиёд хотин-қизнинг бандлигини таъминлашда ҳудуддаги тадбиркорлик субъектлари билан ўрнатилган мустаҳкам алоқа асқотаётир. Қўлга киритилган ана шундай ютуқларни танловнинг иккинчи шартида спайдлар орқали намойиш этганимиз туфайли энг юқори балл тўплашга муваффақ бўлдик.

Самарқанд вилоятида ўтган танлов нафақат ғолибларни аниқлашда, айни пайтда оилалар тинчлиги, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш, «Соғлом бола» ғоясининг мазмун-моҳияти, фуқаролар йиғинлари ҳудудида аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, маҳалла институти нуфузини янада ошириш бўйича тажриба алмашишга қулай имконият туғдирди.

Адолат, ошкоралик ва тенглик тамойиллари асосида маслаҳатчиларнинг чиқишларини баҳолаб борган ҳакамлар ҳайъатининг яқдл хулосасига кўра, Самарқанд шаҳридаги «Дохбедий» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Сурайё Қурбонова энг юқори балл тўплади.

— Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 10 нафардан зиёд хотин-қизни касаначилик асосида ишга жойлаштиришга ҳисса қўшдим, — дейди танлов ғолибаси С.Қурбонова. — Энг муҳими, 5 та ёш оиланинг ахралиши олдini олишга муваффақ бўлдим.

Иккинчи ўрин Ургут туманидаги «Раҳматобод» маҳалласи вакиласи Қурсия Норматовага, учинчи ўрин эса Кўшробот туманидаги «Шова» маҳалласи маслаҳатчиси Жанглиш Абдумўминовага насиб этди.

Хоразм вилоятидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида иш олиб бораётган 450 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳудудда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотлар ва янгиланишларда фаол иштирок этишмоқда.

Танловнинг туман(шаҳар) ғолиблар кўрик-танловнинг кейинги босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киришти билан бирга, диплом ҳақда қимматбаҳо совғаларга эга бўдилар. Шунингдек, фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида 10 йилдан бери самарали фаолият юритиб келаётган маслаҳатчилар Фонд республика бошқарувининг фахрий ёрлик ҳақда совғолари билан тақдирландилар.

Танловнинг вилоят босқичлари давом этмоқда.

■ **«Mahalla» газетасининг вилоят мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

Юксак маънавиятли баркамол авлод
маҳаллада камол топади



■ Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Ушбу масалалар, ўз навбатида, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада та-

комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияси тўғрисидаги Намунавий низомида ҳам ўз аксини топган. Бундан ташқари, фуқаролар йиғини кенгаши ёш авлодни тарбиялаш масалалари юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш ваколатига ҳам эга. Оила институти, ота-оналар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2012 йил 19 июнда «Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги Жамоат кенгаши тузилди.

Мазкур кенгаш зиммасига оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигининг самардорлигини таъминлаш; «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигини янада кучайтиришга доир услубий асосларни яратишни ташкил этиш; ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги ўрни, мажбурияти, масъулиятини оширишга қўмаклашиш; таълим муассасаларидаги таълим-тарбия сифатини ўрганиш ва уларни янада такомиллаштиришга оид тадбирларни амалга ошириш; қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, таълим муассасаларига ақин ҳудудларда алкоголь ва тамаки маҳсулотлари сотилишига йўл қўймаслик бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Изланиш ва имкониятлар кўлами кенг

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга доир чора-тадбирларнинг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётганини туфайли маҳалла институти жамият ҳаётининг муҳим бўғинига айланди.

■ **Зебинисо ҲАЙИТОВА**
«Mahalla»

Бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида ушбу ноёб тузилманинг ваколатлари кенгайди. Мазкур ваколатлар доирасида маҳаллаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишларни жамоатчиликка етказиш оммавий ахборот воситалари ходимларидан катта масъулият талаб этди.

Журналистларни оммавий ахборот воситаларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ёритишнинг асосий йўналишлари ва усуллари бўйича ихтисослаштириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўллоб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий

таълим тизимидаги ислохотлар ҳақида ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг зарур маълумотларга эга бўлишларини таъминлашдек вазифалар юклатилган.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳақда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ишларда ва уларнинг ҳуқуқлари ҳимоясида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қўмаклашиш ҳам фуқаролар йиғини кенгашининг баркамол авлод тарбиясига доир ваколатлари сиросига кирди.

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иштирокига оид махсус норма мустаҳкамланган. Унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари доирасига вояга етмаганларнинг маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясида иштирок этиш, ижтимоий жияатдан ҳавфли ва жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган вояга етмаганларнинг ижтимоий-педагогик реабилитациясига ва ҳоётга мослашишига қўмаклашишдек долзарб вазифалар ҳам кирди.

Эътиборлиси, ушбу масалалар Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Фуқаролар йиғинининг вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси тўғрисидаги Намунавий низомида батафсил аксини топган.

Таъкидлаш жоизки, янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда фуқа-

ролар йиғини раиси ҳам айнан баркамол авлоднинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга қаратилган қатор ваколатларга эга. Хусусан, йиғин раиси васийлик ва ҳомийликдаги, оилага тарбияга топширилган етим болаларнинг, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум болаларнинг мол-мулкни сақлашга доир чора-тадбирларни кўради.

Фуқаролар йиғини раисининг ушбу йўналишдаги навбатдаги ваколати вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишларини ташкил этиш, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этиш, шунингдек, бундай болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга қўмаклашишдан иборатдир.

Бу борада «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги қонунда васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар аниқланганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари етти иш кунини ичида улар ҳақидаги маълумотларни ёзма шаклда васийлик ва ҳомийлик органларига юборади.

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган болалар аниқланган ҳолларда эса, васийлик ва ҳомийлик органи бундай маълумотлар олинган кундан эътиборан уч иш кунини ичида уларнинг турмуш ҳақда таъминот шaroитларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширувдан ўтказиши шарт.

«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга кўра, ўрни келганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари болага унинг қонуний манфаатларини ҳимоялашда қўмаклашади, унга ёки унинг қонуний вакилига ҳуқуқий, услубий ёрдам кўрсатади. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда ҳақда рўёбга чиқаришда иштирок этиб, ушбу масалага доир ваколатларни амалга оширишда давлатдан ҳақда халқроқ ташкилотлардан услубий, ташкилий ҳақда молиявий ёрдам олиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилган муҳим ваколатлардан яна бири бевосита фуқароларнинг соғлигини, аввало, йигирма ёшга тўлмаган шахсларнинг соғлигини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсиридан, шу билан боғлиқ ижтимоий, салбий оқибатлардан ҳимоялаш, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳақда қарор топтиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шaroитларини яратишга қўмаклашишдан иборат. Ушбу ваколатлар «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳақда истеъмол қилинишни чеклаш тўғрисида»ги қонунда белгиланган.

Мухтасар айтганда, юксак маънавиятли баркамол авлод, аввало, оилада, маҳаллада вояга етади. Бунинг учун юртимизда мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилгани навқирон авлод вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — БОШИ МЕЗОН

Меҳр ва
мурувват ошёни

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Шайхонтоҳур тумани бўлинмаси томонидан Тошкент давлат юридик университетида тахсил олаётган боқувчисини йўқотган Саида Саидмададованинг ўқув шартнома пули тўлаб берилди. Ушбу хайрли ишга 6 миллион 750 минг сўм маблағ сарфланди.

■ **Мавлуда МЕЛИҚУЛОВА**
«Mahalla»

Фонднинг Шайхонтоҳур тумани бўлинмаси аҳолини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар олиб бораётир. Туман ҳокимлиги ҳақда ҳомийлар ҳамкорлигида кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар ва ногиронлар, боқувчисини йўқотган ҳақда кўп балали оилаларга қўмак берилиб, улар ҳолидан хабар олинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Фонд бўлинмаси, фуқаролар йиғинлари ҳақда ҳомийлар томонидан 21 та кам таъминланган оила ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга 7 миллион 451 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

— Уч нафар фарзандим бор, — дейди «Новза» маҳалласида яшовчи Умида Қодирова. — Катта ўғлим автохалокат оқибатида ногирон бўлиб қолди. Унга тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси ҳар 6 ойда моддий ёрдам

пули ажратиб туради. Бундан ташқари, маҳалла фаоллари ва мутаассиллар тез-тез келиб, фарзандларимга кийим-бош ва бошқа совғалар беришади. Уларга ўз миннатдорлигини билдираман.

Фонд бўлинмаси ва ҳамкор ташкилотлар томонидан 9 май — Хотира ва қадрлаш кўни арафасида маҳаллаларда истикомат қилаётган ногирон, боқувчисини йўқотган оилалар, уруш қатнашчиларига эсдалик совғалари ҳақда пул муқофотлари топширилди.

Айни пайтда бўлинма фақат ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга қўмак берибгина қолмай, уларнинг ўз бизнесини йўлга қўйишга ҳам қўмаклашмоқда. Натижада маҳаллада кам таъминланган ва моддий ёрдамга муҳтож оилалар сони камайиб бормоқда.

Албатта, аҳоли турмуши фаровонлашиб, рўзгорига кут-барака кириши маҳаллаларда соғлом муҳит қарор топишининг муҳим омилдир. Бу борада қилинган ҳар қандай саъй-ҳаракат фуқароларнинг тинч ва осейишта ҳоёт кечиришига хизмат қилади.

ЯНГИ ГУЗАР

Ўзгача файзи ва таровати бор

Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Оқ олтин қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги «Гулобод» маҳалласининг янги биноси қуриб фойдаланишга топширилди.

■ **Нигина ШОЕВА**
«Mahalla»

Эндикда фаоллар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси ҳақда ҳомийлар кўмагида барпо этилган гузарда иш олиб бормоқда.

Йиғин биноси замонавий технологиялар ҳақда мебель жиҳозлари билан таъминланган. Яратилган шароит йиғин ходимларини янада фаолроқ бўлишга ундаши шубҳасиз. Йиғинда барча тузилмалар

фаолияти намунали йўлга қўйилган.

Гузарга ёндош тарзда барпо этилган совдо ва маиший шохобчалар хизматидан аҳоли мамнун. Шу ернинг ўзига 8 нафар коллеж битирувчиси бандлиги таъминланган бўлса, қисқа фурсатда тикувчилик цехини ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Фаоллар саъй-ҳаракати билан олиб бориладиган ободонлаштириш ишлари гузар ташқи қиёфасига ўзгача фойз ва тароват қўшиб турибди.



ни тўғрисида зарур тушунчаларга эга бўдилар. Тадбирда йиғинлар қошидаги «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмасининг вазифалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Семинар давомида ўндан ортқ мавзуда маърузалар тингланди.

Икки кунлик семинар давомида соҳа мутахассислари журналистларга маҳалла фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базаси, унинг ри-

вожланиш тамойиллари тўғрисида батафсил маълумот беришди. Амалиётчи журналистлар эса иштирокчиларга жамоатчиликка ахборотни тезкор ва аниқ фактларга асосланган ҳолда етказиш борасида таклиф ва тавсиялар бердилар.

Қизгин фикрлар алмашиб руҳида ўтган семинарда интерактив савол-жавоблар тадбирга фаол ишчанилик қайдиётини бағишлади.

КАТТА ҲАЁТ ОСТОНАСИДА

Бахтли элнинг бахтиёр фазандимиз

< [1]

Келажак ҳақида ўйлаб, орзулар оламига ғарқ бўлганимда қалбимда фахр-ифтихор туйғуси жўш уради. Чунки биз буюк юртнинг бахтли фарзандларимиз. Бизнинг ўқиб-ўрганишимиз, соғлом улғайиб, ҳаётда ўз ўрнимизни топишимиз учун мамлакатимизда барча ша-роитлар муҳайё қилинган.

Мухтарам Юртбошимизнинг жорий йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бизга кўрсатилаётган алоҳида эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Мазкур йилда вилоятимизда 16 минг нафардан зиёд йигит-қиз касб-хунар коллежларини тамомлайди. Маълумотларга кўра, ҳозиргача уларнинг 4 минг нафардан зиёди корхона, ташкилот ва муассасаларга бириктирилди. Шунингдек, битирувчиларни тадбиркорликка йўналтириш учун 10 миллиард сўмга яқин кредит маблағлари ажратиш кўзда тутилган бўлиб, ҳозиргача 1119 нафар навоийлик би-тирувчи 4728,0 миллион сўм кредит эвазига ўз бизнесини йўлга қўйди.

Синфга дугонам, Навоий педагогика ва хизмат кўрсатиш коллежи битирувчиси Дурдона Хотамова банкдан кредит олиб, гўзаллик сало-нини ишга туширди, яна бир дўстим Умид Аспонов эса чорвачилик ҳўжалигини таш-кил этди.

Бир гуруҳ тенгдошларим Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган Навоий эркин индустриал иқтисодий зонасидаги қўшма корхона-ларда амалиёт ўтаб, тўғри-

дан-тўғри ишга қабул қилин-япти. «Навоийэзот» очиқ ак-циядорлик жамияти, Навоий иссиқлик электростанцияси каби улкан sanoat корхона-ларида иш ўрни кафолат-ланган битирувчилар бор. Буларнинг ҳаммаси биз ёшларга ҳукуматимиз томо-нидан кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликнинг натижасидир. Таъкидлаш жоизки, мам-лакатимизда келажак авлод-нинг тил ўрганиши, жаҳонда-ги тенгдошлари билан муно-сабатга киришиши учун ҳам барча шароитлар муҳайё. Хорижий тилларни билиш жаҳон маданияти ютуқлари ва ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш имко-нини беради, халқроқ муло-қотга кенг йўл очади. Бизнинг юксак салоҳиятли, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод сифати-да шаклланишимиз учун Пре-зидентимизнинг 2012 йил 10 декабрда «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада та-комиллаштириш чора-тад-бирлари тўғрисида»ги қаро-ри қабул қилинди.

Коллежимизда мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадига олиб борилаёт-ган сый-ҳаракатлар сама-раси ўлароқ мен ва акари-ят кўрсдошларим бугунги кун-да инглиз тилида бемалол сўзлаша оламиз. Мен Ин-тернет орқали хориждаги тенгдошларим билан ҳам му-лоқотга киришаман. Улар-нинг кўпчилиги Ўзбекистонга ҳавас билан қараши, ўзбек ёшлари эришаётган ютуқ-ларни эътироф этиши менга қувонч ҳамда гурур бағиш-лайди. Чиндан ҳам, бизнинг бахтимиз, саодатимиз гаро-ви, биринчи галда, тинчлик-дир. Осойишталикни кўз қорачиғидек асраш, юрт рав-ноқи ва эл фаровонлигига ҳисса қўиши биз ёшларнинг муқаддас бурчимиз.



■ Ўза олган сурат.

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

Фойдали меҳнатга йўлланма

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи долзарб аҳамиятга эга. Қорақалпоғистон Республикасида бу борада муайян ишлар амалга оширилаётир.

■ Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ «Mahalla»

Қонлиқўл тумани банд-ликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий му-ҳофаза қилиш маркази то-монидан жорий йилда 436 та иш ўрни яратиш режалаш-тирилган бўлса, бугунги кун-га келиб 427 та қўшимча иш ўрни барпо этилишига эри-шилди. Бундай юқори нати-жани кўлга киритишда ту-мандаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари-нинг ҳам ҳиссаси борлигини таъкидлаш зарур. Асосан, кичик бизнес, хусусий тадбир-корликни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва уй меҳ-нати, шунингдек, касаначи-ликни йўлга қўиш орқали

таъминланган бандлик кўрсаткичи фуқаролар йиғинла-рининг тегишли комиссияля-ри аъзолари, «Маслаҳат марказлари» ташаббуси бил-лан ўсгани қувонарли. Иил бошида туман банд-ликка кўмаклашиш ва аҳоли-ни ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан 190 нафар ишсиз фуқаро-нинг рўйхати шакллантирил-ган бўлса, улардан 161 на-фари бугун фойдали меҳнат билан банд.

Аҳоли бандлигини таъ-минлаш мақсадига туманда ўтказилган меҳнат ярмарка-си доирасида 66 та корхо-на ва ташкилот 142 та бўш иш ўрни билан иштирак этди. Ямаркада 103 нафар фуқаронинг 62 нафари ишга йўлланма олди.

ТАҚҚОС ВА ТАЖРИБА

Ҳар бир фуқаро — жамоатчилик назоратчиси



Анджисон шахридаги «Қайрағочтаги» ва «Ёрбоши» маҳаллалари ёнма-ён жойлашган. «Жаҳон бозори» улар ҳудудини туташтириб туради. Шу боис маҳаллалар қошидаги Жамоатчилик назорати ва истеъмол-чиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар фаолларининг қўли қўлига тегмайди.

■ Абулдулмулал АБДУЛЛАЕВ «Mahalla»

Уларнинг таркиби ва иш режалари билан танишгач, комиссиялар, асо-сан, истеъмолчилар ҳуқуқ ва ман-фаатлари ҳимоясини таъминлашга кенг жамоатчиликни жалб этиш, аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш бора-сида яхшигина тажриба тўплаганига ишонч ҳосил қилдик.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги 274-сон қарори билан тас-диқланган Намунавий низомад мазкур комиссиянинг мақсади ва асосий вази-фалари аниқ-тиниқ баён этилган.

«Қайрағочтаги» маҳалласи қошида ташкил этилган комиссияга шахордаги 47-умумтаълим мактаби директори Бах-тиёр Файзуллоев раҳбарлик қилади. У табииатдан қаттиққўл, ҳар жобҳада инти-зомни талаб қиладиган киши бўлгани туфайли комиссиянинг фуқаролар ўрта-сидаги обрў-эътибори тобора ортиб бора-япти. Урганишлар жараёнида шун-га амин бўлдикки, комиссиянинг 7 на-фар аъзоси бирдай масъулият билан ишлар экан. Чунки уларнинг ҳар бири учун маҳсус шуғулланадиган йўналиш-лар белгилаб қўйилган.

Яқинда фуқаролар йиғинига шикоят хати тушди. Унда аҳоли сони ўсиб,

электр истеъмолчилари кўпайгани боис тормақда электр қуввати камайиб кет-гани, натижада маиший-техник асбо-блардан фойдаланиш имконияти чекла-нётгани баён қилинган. Бу иш билан комиссиянинг фаол аъзолари Абду-малик Мирзаалимов ҳамда Абдуманноб Собиров шуғулланишди. Анджисон ви-лоят электр тармоқлари корхонаси ди-ректори Тохиржон Йўлдошев маҳалла қошидаги Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиянинг талабини тўғри қабул қилди. Маҳаллага янги трансформатор ўнатилди.

Яна бир мисол. Кўнлар исий бош-лагач, Ёрбоши кўчасида жойлашган 10 та кўп қаватли уйга ичимлик суви чи-қмай қолди. Бу гал комиссиянинг обрў-эътиборига ишонган фуқаролар бево-сита Бахтиёр Файзуллоевнинг ўзига му-рожаат қилишди. Фуқаролар қабули-дан сўнг масалани ўрганиш мазкур ко-миссия аъзоларига топширилди. Сув тармоқларидаги 50 метрдан зиёд қувур-лар янгисига алмаштирилганидан сўнг кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолининг талаби қондирилди.

Комиссия аҳолини сўлойтирилган газ билан таъминлаш масаласида ҳам та-шаббус билан чиқди. Бугунги кунда 400 та оила газ баллонлари ишлатади. Биз маҳаллага борганимизда яна 20

та газ баллони келтирилиб, кам таъ-минланган оилаларга тарқатилаётга-нига гувоҳ бўлдик. Шунингдек, шахар-даги 39-умумтаълим мактаби йўлини таъмирлаш, тадбиркорларга имтиёзли кредит ажратиш, бандлик масалала-рида ҳам комиссия аъзоларининг куй-инчақлиги қўл келаетир.

Ҳужжатлар таҳлил қилинганда жо-рий йилнинг ўтган даври мобайнида комиссия томонидан 4 марта йиғилиш ўтказилгани маълум бўлди. Уларда, асо-сан, ҳудудда жамоат хавфсизлигини сақлаш, қонқуний фаолият юритаёт-ган тадбиркорларга ҳуқуқий мазвуда маслаҳатлар бериш, жазони ижро этиш муассасаларидан қўйган фуқа-роларни ишга жойлаштириш, истеъ-молчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш каби долзарб масалалар муҳокама қилинган.

Ёрбоши магистраль йўлининг иккин-чи томонидан «Ёрбоши» маҳалласи ҳудуди бошланади. Бу ерда Жамоатчи-лик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия-сяга маҳалланинг «Нуроний» кенгаши раиси Мамасодиқ Мамадалиев раҳбар-лик қилди. 10 кишидан иборат комис-сия аъзолари ўзларининг дастлабки йи-ғилишларида «Соғлом бола йили» Дав-лат дастури доирасидаги вазифалар асосида белгиланган иш режаларини тасдиқлагани эътиборга молик.

«Қайрағочтаги» маҳалласидаги ко-миссиядан фарқи равишда, бу ерда кўпроқ маъновий-маърифий, ҳуқуқий тар-ғибот масалаларига урғу берилади. Жумладан, 2014 йилнинг апрель ойида ўтказилган «Мен истеъмолчиман: ким-га ва қоерга муурожаат қилай?», деган мавзудаги давра сўхбати баённомаси билан танишиш асносида фуқаролар-га ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя-лаш бўйича йўл-йўриқлар кўрсатила-нига гувоҳ бўлдик. Шунингдек, «Ҳар бир фуқаро — жамоатчилик назоратчиси» мавзусидаги сўхбат ҳам кўпчилиқда катта таассурот қолдирди.

— Мазкур комиссиянинг фаолиятини ташкил этишда Намунавий низоом биз учун дастуриламал вазифасини ўта-пти, — дейди «Ёрбоши» маҳалласи раи-си Маҳаммаджон Сотқинов. — Илгари кўпчилик бу борада оник бир тасав-вурга эга эмас эди. Эндиқлиқда комис-сия фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича нималар қилиш кераклигини яхши биламиз. Шунингдек, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, комиссияни шакл-лантириш ҳамда фаолиятини ташкил этиш, фуқаролардан келиб тушган му-рожаатларни қўриб чиқиш бўйича йўл-йўриқларга эгомиз.

Албатта, иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Хар иккала маҳалладаги комиссиялар фаолиятида йиғилишлар баённомаларини тўлдиришда, фуқа-ролар қабулини олиб боришда, ва-колат доирасида тегишли корхона ва ташкилотларга алоқа хатлари билан чиқишда ҳужзий нуқсонлар кўзга та-шланади. Мухими эса, комиссиялар иш-лаяпти, фуқароларга, истеъмолчилар-га амалий ёрдам кўрсатапти, изчил изланапти.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Истиқболли лойиҳалар қўллаб-қувватланмоқда

Фуқаролар йиғинларининг Тадбиркорлик фаоли-ти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси тўғрисидаги намунавий Низомад: «Комиссиянинг асосий мақсади тегишли ҳудудда ки-чик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий тад-биркорлик, касаначилик, хунармандчилик, чорвачилик, паррандачилик, деҳқончилик, шахсий томорка ҳўжа-лигини ривожлантириш ҳамда соҳага аҳолини кенг жалб этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга, шунингдек, ажратилган ерлардан сама-рали, оқилона ва мақсадли фойдаланишга кўмакла-шишдан иборат», деб белгиланган.

■ Юлдуз ҲОЖИЕВА «Mahalla»

Самарқанд вилояти Ну-робод тумани маҳал-лаларида ҳам мазкур йўналишдаги комиссиялар ушбу Низоом асосида ўз фа-олиятларини ташкил этиш-ган. Жумладан, туман мар-казида жойлашган Амир Те-мур номидаги маҳаллада бу борада муайян натижалар қўлга киритилди.

Маҳалла ахлининг акса-рияти муқим иш жойига эга кишилар. Аммо тадбиркор-лик ортидан қўшимча доро-мад топиш турмушини яна-да фаровонлаштиришга хизмат қилишини яхши бил-ганлари ва бунга интилан-лари боис, улар бизнес юритиш шартлари, ҳуқуқий меъёрлар ҳақида кўпроқ маълумот олишга ҳаракат қилишмоқда.

Махбуба Му-родова расилғидаги ма-ҳалла фаоллари ҳамда фу-қаролар йиғинида истико-мат қилаётган аҳоли сонидан келиб чиқиб тайинлан-ган 8 нафар комиссия аъзо-си ҳудудда тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари иж-росини таъминлашда фаол-лик кўрсатишмоқда.

— Маҳалламизда кейин-ги йилларда аёллар ўрта-сида тадбиркорлик фаоли-ятининг кенгайиб бораётгани сый-ҳаракатларимиз сома-расидир, — дейди халқ де-путатлари туман Кенгаши депутати, йиғиннинг Тадбир-корлик фаолияти ва оила-вий бизнесни ривожланти-риш масалалари бўйича ко-миссияси раиси Зокир Э-шнйёзов. — Комиссия тарқи-бида тадбиркорликда таж-риба орттирган маҳалла-дошлар ҳамда ушбу соҳага алоқадор мутахассисли-кларга эга кишилар жома-атчилик асосида иш юрити-шлар. Истиқболли бизнес го-яларни қўллаб-қувватлаши-миз ҳудудимизни ривожлан-тиради. Тадбиркорлик рав-

нақида йигин қошидаги «Маслаҳат маркази»нинг ҳам ҳиссаси бор.

Комиссия раиси таъкид-лаганидек, айна пайтда хунари ортидан бизнес юритиб ҳам рўзгорига, ҳам маҳаллодошларига ёрдами тегаётган аёллар сони 50 нафардан ошди. Маҳалла-да касаначи қиз-жувонлар ҳам бисёр. Жумладан, Фе-руза Ҳайитова, Дилобар Жуманова, Юлдуз Ҳойдара-ва уй шароитида пишириқ-лар тайёрлаб, савдо рас-талари ва дўконларга ет-казиб беришмоқда.

Бугуннинг тадбиркори нафақат бирор хунарни пух-та эғаллаши, балки марке-тинг соҳасида ҳам муойян кўнимкага эга бўлиши зарур. Амир Темур номидаги маҳал-лада тадбиркорлар бу ма-салани ҳам удабуронлик билан хал этишаётир. За-рина Жиянова оила аъзо-лари билан тўй-маросимлар учун кўрпа, ёстик каби ан-жумлар, қуроқли жилдлар, сочик ва қошбаблар тайёр-лайди. Буюртмаларнинг си-фатли ва ҳамёнбоплиги ту-файли қисқа фурсатда улар-нинг харидорлари сони ор-ти. Шу боис у фаолиятини кенгайтириб, кичик дўкон ҳам очди. Келгусида Зарина қўшимча 5 та иш ўрни яра-тиш ниятида. Тадбиркор бу-ларнинг борчасида маҳалла фаолларининг ёрдами кат-та бўлганини таъкидлайди.

— Яқинда бир хушхабар-ни эшитиб бошимиз осмон-га етди, — дейди М.Муро-дова. — Маҳалламизда ис-тиқомат қилаётган Зулфизар Ботирова «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томони-дан ташкил этилган «Менинг бизнес гоям» кўрик-танлови-нинг вилоят босқичида би-ринчи ўринни эғаллабди.

Коллеж ўқувчисининг бу мувоффақиятида, шубҳасиз, маҳалладаги тадбиркорлик-ни қўллаб-қувватлашдек хойрли ишларнинг ҳам оло-ҳида аҳамияти бор.

АНЖУМАН

Ҳисоб-китоб интизоми мустаҳкам ва шаффофлиги таъминланади

Бугунги кунда ҳаётимизни электр энергиясиз тасаввур этол-маймиз. «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси томо-нидан пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида ташкил этилган матбуот анжуманида электр энергиясиза эҳтиёж кун сайин ўсиб бораётгани таъкидланди.

■ Юлдуз ҲОЖИЕВА «Mahalla»

Жумладан, 1990 йилда аҳоли-нинг жами истеъмолдаги улу-ши 10,3 фоизни ташкил эт-ган бўлса, 2000 йилда қарийб 14 фоиз, 2013 йилга келиб, бу кўрсат-кич 24,4 фоизга етди.

Ўсиб бораётган бу талабни қон-дириш, аҳолини энергия билан ўз-луқсиз таъминлаш мақсадида қўши-мча манбалардан фойдаланиш, йи-рик лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилаётир. Компания мутасад-диларининг маълумот беришича, яқин келажакда 42 та шундай лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиши натижасида ҳозиргидан 2 боровор кўп энергия манбаига эга бўламиз.

Таъкидлаш жоизки, энергияни те-жаш, ундан оқилона фойдаланиш, истеъмол қилинган энергия ҳисоб-ки-тобини ўз вақтида олиб бориш дол-зарб вазифалардан. «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси фа-олиятини тақомиллаштириш ва ис-теъмол қилинаётган электр энергия-си учун ҳисоб-китоблар интизомини мустаҳкамлаш бўйича қилинаётган

ишлар» мавзусига бағишланган мат-буот анжуманида айнан шу йўналиш-да баҳарилаётган ишлар юзасидан фикрлашилди. Электр энергияси ҳисобини юритишни тақомиллашти-риш, тўловлар интизомини мустаҳ-камлаш, уларни ўз вақтида ва тўлиқ ундириш, истеъмолчиларга яратилган имкониятлар ва қўлайликлар бўйича компания мутасаддилари батафсил маълумот беришди.

— Ҳозирги кунда «Ўзбекэнерго» компанияси томонидан соҳани ри-вожлантириш, ишлаб чиқариш қув-ватларини модернизациялаш, заво-навий энергия манбаларини татбиқ этиш, электр энергиясини узатишда-ги йўқотишларни камайитиш, электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини тақомиллаштириш ва қайта тикла-нувчан энергия манбаларини ривож-лантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу йўналишлар-да қатор лойиҳалар ишлаб чиқил-моқда, — деди «Ўзбекэнерго» ДАК Бошқаруви раиси ўринбосари Му-заффар Ҳокимов. — Бундай чора-тадбирларнинг амалга оширилиши катта миқдордаги маблағ ва истеъ-мол қилинаётган электр энергияси учун ҳисоб-китоблар интизомини мус-

таҳкамлашни талаб этади.

Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражаси тобора юксалмоқда. Бу-гун юртодошларимиз деярли ҳар кун совиуткич ва иситкич, микротўлиқни-плита ва кондиционер, телевизор ҳамда компьютер техникалари, кир ювиш машинасио қуриткичлардан фойдаланадилар. Ушбу воситалар аҳолининг энергия истеъмолидаги улу-шини кескин оширмоқда. Бундай қўлайликлар, шубҳасиз, уй бекала-рининг меҳнат шароитини енгиллаш-тиради. Аммо масаланинг бошқа то-монини, истеъмол қилинган энергия ҳақини ўз вақтида тўлашни ҳам унут-маслик зорур. Анжуманда аҳолига бу борада қўшимча қўлайликлар яратиш йўлида баҳарилаётган иш-лар ҳақида ҳам сўз юритилди.

— Энергия учун тўловларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш мақ-садида қўллаб интерактив хизматлар жорий этилган, — дейди компания-нинг «Энергосотиш» филиали бошлиғи ўринбосари Шерзод Ҳўжаев. — Бун-да тўловларни онлайн режимида қабул қилиш ҳамда истеъмолчилар-нинг электр ҳисоблагич кўрсаткичла-рини SMS орқали компьютер дасту-ридан қилинган қиритишга эътибор қаратилди. Натижада, амалга оши-рилган тўловлар тўғрисидаги маълу-матлар истеъмолчининг ҳисоб vara-ниш ўз вақтида ва беҳато келиб ту-шиш тизими яратилди ҳамда ҳисоб-лагич кўрсаткичларини қайд этиш да-ражаси ортди. Тўловларнинг ўз вақ-



тида ундирилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳиссаси ҳам ортиб бораётир. Қола-верса, аҳолига электр энергиясини иқтисод қилиш, янги интерактив хиз-матларнинг афзалликларини тушу-ниришда ҳам ушбу тузилма фаолла-ри яқин кўмақдош. Шунга қаромой, маҳаллалар билан ҳамкорликни яна-да қучайтириш зарур.

Интерактив хизматлар, асосан, Тошкент шахрида тизимли ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда аҳоли тўловларининг 70 фоиздан ортиги он-лайн режимида қабул қилинмоқда. Республика бўйича эса 1 миллион 822,3 минг нафар маиший истеъмол-

чининг мобиль телефон рақамлари «Электрҳисоб» дастурий комплекси-га бириктирилган. Бу жами маиший истеъмолчиларнинг 32,6 фоизига тўғри келаетгани, 2014 йил охирига-ча ушбу кўрсаткични 100 фоизга ет-казиш режалаштирилаётгани ҳақида ҳам анжуман иштирокчиларига маъ-лумот берилди.

Қисқаси, «Ўзбекэнерго» ДАК то-монидан олиб борилаётган бундай сый-ҳаракатлар истеъмолчиларга қўшимча қўлайликлар яратиш, амал-га оширган тўловлар ҳақида ис-талган вақтда оник маълумот олиш им-конини беради, ҳисоб-китоблар шаф-фофлиги таъминланади.